Маркази: 204-мактаб.

Чегараси: Каховская кўчасидан Генерал Петров кўчаси (жуфт томони) бўйлаб Валихонов кўчасигача, Валихонов кўчаси бўйлаб Добролюбов кўчасигача, Добролюбов кўчаси (жуфт томони) бўйлаб Каховская кўчасигача, Каховская кўчаси бўйлаб Генерал Петров кўч

ЙИГИРМАНЧИ ЧАҚИРИҚ ХАЛҚ ДЕПУТАТЛАРИ ТОШКЕНТ ШАҲАР СОВЕТИГА САЙЛОВ ЎТКАЗУВЧИ САЙЛОВ ОКРУГЛАРИНИ ТУЗИШ ТЎҒРИСИДА

(Охири. Боши 2, 3, 4, 5 ва 6-бетларда).

402-сайлов округи

Маркази: 67-мактаб.

Чегараси: Миршаропов кўчасидан Алиев кўчаси (жуфт томонлар) бўйлаб Иззат кўчасигача, Иззат кўчасидан (тоқ томонлар) бўйлаб Буревестник кўчасигача, Буревестник кўчаси ва Хосият кўчаси бўйлаб Миршаропов кўчасигача, Миршаропов кўчаси бўйлаб Алиев кўчасигача.

403-сайлов округи

Маркази: 227-мактаб.

Чегараси: Генерал Петров кўчасидан Алиев кўчаси бўйлаб Миршарапов кўчасигача, Миршаропов кўчаси (тоқ томонлар) бўйлаб Хосият кўчасигача, Хосият кўчаси бўйлаб турар жой шаҳарчаси чегарасидан Илтифот кўчасигача, Илтифот кўчаси бўйлаб Генерал Петров кўчасигача, Генерал Петров кўчасидан Алиев кўчасигача.

404-сайлов округи

Маркази: 230-мактаб.

Чегараси: Генерал Петров кўчасидан Толариқ бўйлаб қуйи томон Миршаропов кўчасигача, Миршаропов кўчасининг тоқ томони бўйлаб Радость кўчасигача, Радость кўчасининг тоқ томони бўйлаб Толариқ кўчасигача, Толариқ кўчаси бўйлаб айланма йўлгача, сўнгра айланма йўл бўйлаб Оҳангарон бурилиш орқали Толариққача.

405-сайлов округи

Маркази: 198-мактаб.

Чегараси: Алиев кўчасидан (тоқ томони) Генерал Петров кўчаси бўйлаб Айриев кўчасигача, Айриев кўчаси бўйлаб (жуфт томони) Балиманов кўчасигача, Балиманов кўчаси (тоқ томони) бўйлаб Алиев кўчасигача, Алиев кўчаси (тоқ томони) бўйлаб Генерал Петров кўчасигача.

406-сайлов округи

Маркази: РИВЦ.

Чегараси: Алиев кўчасидан Балиманов кўчасининг жуфт томони бўйлаб Айриев кўчасигача, Айриев кўчаси (тоқ томони) бўйлаб Генерал Петров кўчасигача, Генерал Петров кўчасидан Толариқ-қача, ариқ оқими бўйлаб чап томонга Миршаропов кўчасигача, Миршаропов кўчаси (жуфт томони) бўйлаб Радость кўчасигача, Радость кўчаси (жуфт томони) бўйлаб темирйўл тармоғигача, темирйўл ёқалаб 1-Иззат проездигача, 1-Иззат проезди бўйлаб Иззат кўчасигача, Иззат кўчаси бўйлаб Алиев кўчасигача, Алиев кўчаси (тоқ томони) бўйлаб Балиманов кўчасигача.

407-сайлов округи

Маркази: тепловоз депоси.

Чегараси: Куйбишев шоссесидан Боку кўчасигача, Боку кўчасини четлаб, девор ёқалаб темир йўлгача, темир йўл бўйлаб Воровский кўчасигача, Воровский кўчаси бўйлаб Линейная кўчасигача, Линейная кўчасини кесиб ўтиб Воровский кўчаси (жуфт томони) бўйлаб Куйбишев шоссесигача.

408-сайлов округи

Маркази: «Мир» кинотеатри.

Чегараси: Куйбишев шоссесидан Боку кўчаси бўйлаб девор ёқалаб, 2-Солдатенко тупигини ҳам қўшган ҳолда Мальков проездигача, Мальков проездидаги ҳамма уйларни қўшган ҳолда Мальков кўчасига олиб чиқадиган йўл Мальков кўчасининг жуфт томони бўйлаб 1-Октябрь 10 йиллигиа проездигача, 1-Октябрь 10 йиллиги проезди бўйлаб Липовий тупигигача, Липовий тупигидан Қорасув каналигача, Қорасув каналидан Ғиждувон кўчаси (тоқ томон) бўйлаб Қоракўл кўчасигача, Қоракўл кўчаси (тоқ томони) бўйлаб Бойсун кўчасигача, Бойсун кўчаси (жуфт томони) бўйлаб Перов кўчасигача, Перов кўчаси (тоқ томони) бўйлаб Қорасув каналигача, канал оқими томон паетга қараб темир йўлгача, темир йўл ёқалаб Боку кўчасигача.

409-сайлов округи

Маркази: 30-мактаб.

Чегараси: Октябрь 10 йиллиги кўчасининг 1-проездидан Мальков кўчаси (тоқ томони) бўйлаб темир йўлгача, темир йўлдан Воровский кўчаси (жуфт томони) бўйлаб Менжинский кўчасигача, Менжинский кўчаси (тоқ томони) бўйлаб Ховост кўчасигача, Ховост кўчаси (тоқ томони) бўйлаб Сеченов кўчасининг 1-проездигача, Сеченов кўчаси 1-проезди (тоқ томони) бўйлаб Ғиждувон кўчасигача, Ғиждувон кўчаси (жуфт томони) бўйлаб Менжинский кўчасигача, Менжинский кўчасидан Липовий тупиги (жуфт томони) бўйлаб Октябрь 10 йиллиги кўчасининг 1-проездигача, Октябрь 10 йиллиги кўчасининг 1-проезди (жуфт томони) бўйлаб Мальков кўчасигача.

410-сайлов округи

Маркази: Тошкент қоғоз фабрикаси.

Чегараси: Куйбишев шоссесидан Боку кўчаси бўйлаб Солдатенко кўчасидаги 68-уйгача, Солдатенко кўчаси (жуфт томони) бўйлаб Боку кўчасига чиқадиган йўл (92, 94, 96, 98, 100-уйлар мустасно), Боку кўчаси бўйлаб 83-уйгача, 83-уйдан Қорасув ариғигача, Қорасув ариғи ёқалаб Куйбишев шоссесигача, Куйбишев шоссеси бўйлаб Боку кўчасигача.

411-сайлов округи

Маркази: 155-мактаб.

Чегараси: М. Ашрафий кўчасидан Перов кўчаси бўйлаб Бойсун кўчасигача, Бойсун кўчаси (тоқ томони) бўйлаб Қоракўл (жуфт томони) кўчасигача, Қоракўл кўчаси (жуфт томони) бўйлаб Ғиждувон кўчасигача, Ғиждувон кўчаси (жуфт томони) бўйлаб 1-Сеченов проездигача, 1-Сеченов проезди (тоқ томони) бўйлаб Ховост кўчасигача, Ховост кўчаси (жуфт томони) бўйлаб темир йўлгача, темир йўл ёқалаб М. Ашрафий кўчасигача, М. Ашрафий кўчаси (тоқ томони) бўйлаб Перов кўчасигача.

412-сайлов округи

Маркази: 231-мактаб.

Чегараси: М. Ашрафий кўчасидан Перов кўчаси (турар жойлар мустасно) бўйлаб Заготзерно базаси чегарасидан Заркент кўчасига чиқадиган йўл, Заркент кўчаси (жуфт томони) бўйлаб Куйбишев шоссесигача, Куйбишев шоссесидан М. Ашрафий кўчасигача, М. Ашрафий кўчаси (тоқ томони) бўйлаб Перов кўчасигача.

413-сайлов округи

Маркази: Ўқув ишлаб чиқариш комбинати.

Чегараси: Куйбишев шоссесидан Заркент кўчаси (тоқ томони) бўйлаб Заготзерно базаси деворигача, Заготзерно базаси девори ёқалаб Перов кўчасигача, Перов кўчаси бўйлаб Қорасув ариғигача, Қорасув ариғи ёқалаб Куйбишев шоссесидаги 311-уйгача, Куйбишев шоссеси (тоқ томони) бўйлаб Заркент кўчасигача.

414-сайлов округи

Маркази: «Саосельэнергопроект» институти.

Чегараси: Куйбишев шоссесидан М. Ашрафий кўчаси бўйлаб темир йўлгача, темир йўлдан Маҳзуна кўчаси (икки темир йўл шохобчаси оралиғидаги шахсий уйлар мустасно) бўйлаб Куйбишев шоссесигача, Куйбишев шоссеси бўйлаб М. Ашрафий кўчасигача.

415-сайлов округи

Маркази: 170-мактаб.

Чегараси: Куйбишев шоссесидан Жарқўрғон кўчаси бўйлаб темир йўлгача, Маҳзуна кўчасигача ҳамма шахсий уйлар ҳам киради, Куйбишев шоссесигача, Куйбишев шоссеси бўйлаб Жарқўрғон кўчасигача.

416-сайлов округи

Маркази: 156-мактаб.

Чегараси: Куйбишев шоссесидан Жарқўрғон кўчаси бўйлаб 1-Жарқўрғон тупигигача, 1-Жарқўрғон тупиги (тоқ томони) бўйлаб Куйбишев шоссесининг 3-проездигача, Куйбишев шоссеси 3-проезди (жуфт томони) бўйлаб 1-Оқдарё проездигача, 1-Оқдарё проезди (тоқ томони) бўйлаб Мўйноқ кўчасининг 3-проездигача, Мўйноқ кўчасининг 3-проезди бўйлаб Мўйноқ кўчаси (тоқ томони) Куйбишев шоссесигача, Куйбишев шоссеси (тоқ томони) бўйлаб Жарқўрғон кўчасигача.

417-сайлов округи

Маркази: 156-мактаб.

Чегараси: Жарқўрғон кўчаси 1-тупигидан Жарқўрғон кўчаси (жуфт томони) темир йўлгача, темир йўл ёқалаб Мўйноқ кўчасигача, Мўйноқ кўчаси (тоқ томони) бўйлаб Мўйноқ кўчасининг 3-проездигача, Мўйноқ кўчасининг 3-проези (жуфт томони) бўйлаб 1-Оқдарё проездигача, 1-Оқдарё проези (жуфт томони) бўйлаб Куйбишев шоссеси 3-проездигача, Куйбишев шоссеси 3-проези ва Жарқўрғон кўчаси 1-проези (жуфт томони) бўйлаб Жарқўрғон кўчасигача.

418-сайлов округи

Маркази: 216-мактаб.

Чегараси: Куйбишев шоссесидан Мўйноқ кўчаси (жуфт томони) бўйлаб темир йўлгача, темир йўл ёқалаб З. Шамсутдинова кўчасигача, З. Шамсутдинова кўчаси (тоқ томони) бўйлаб Куйбишев шоссесигача, Куйбишев шоссеси бўйлаб М. Ашрафий кўчасигача.

419-сайлов округи

Маркази: ТИПТ-2.

Чегараси: Куйбишев шоссесидан З. Шамсутдинова (жуфт томони) бўйлаб Чашма кўчасигача, Чашма кўчаси (жуфт томони) бўйлаб Оҳанграбо кўчасигача, Оҳанграбо кўчаси (тоқ томони) бўйлаб Куйбишев шоссесигача, Куйбишев шоссесидан З. Шамсутдинова кўчасигача.

420-сайлов округи

Маркази: 4-дон маҳсулотлари комбинати.

Чегараси: Куйбишев шоссесидан Баротхўжа ариғи ёқалаб 1-уйсозлик комбинатига олиб чиқадиган йўлгача, 1-уйсозлик комбинатига олиб чиқадиган йўл ва айланма йўл бўйлаб Чирчиқ дарёсигача, Чирчиқ дарёси ёқалаб Куйбишев шоссесигача, Куйбишев шоссеси бўйлаб Баротхўжа ариғигача.

421-сайлов округи

Маркази: 215-мактаб.

Чегараси: Куйбишев шоссесидан Оҳанграбо кўчаси (жуфт томони) бўйлаб Қўйлиқ подстанциясигача, Қўйлиқ подстанцияси чегараси ёқалаб қабристонни четлаб ўтган ҳолда Баротхўжа ариғигача, Куйбишев шоссесигача, Куйбишев шоссеси бўйлаб Каримов кўчасигача.

422-сайлов округи

Маркази: 206-мактаб.

Чегараси: З. Шамсутдинова кўчасидан Строитель кўчаси бўйлаб Баротхўжа ариғигача (7, 8, 9, 10, 18, 114, 115, ва Проектная кўчасидаги 9-уйлар мустасно), Баротхўжа ариғи ёқалаб Қўйлиқ подстанциясигача, Қўйлиқ подстанцияси чегараси ёқалаб Чашма кўчасигача, Чашма кўчаси (жуфт томони) бўйлаб З. Шамсутдинова кўчасигача, З. Шамсутдинова кўчаси бўйлаб Строитель кўчасидаги 39-уйгача.

423-сайлов округи

Маркази: 212-мактаб.

Чегараси: З. Шамсутдинова кўчасидаги микрорайон, шунингдек ётоқхоналар ва кўп қаватли 3, 35, 36, 92, 93, 14-«а» 107, 108, 109, 110, 113, 119-уйлар.

424-сайлов округи

Маркази: 1-уйсозлик комбинатининг маданият уйи.

Чегараси: 1-уйсозлик комбинати кўп қаватли шаҳарчаси, 18, 114, 115, 9, 10, 32, 34, 37, 30, 38, 11, 12-«а», 13-«а», 111, 112, 31-уйлар.

425-сайлов округи

Маркази: «Подъёмник» ётоқхонаси.

Чегараси: 1-Лисунов квартали кўп қаватли 1, 2, 4, 5, 7, 71, 112, 113, 125, 111, 117, 64, 65, 66, 66-«а» уйлар ҳамда янги қурилган уй.

426-сайлов округи

Маркази :44-ўрта ҳунар техника билим юрти.

Чегараси: 1-Лисунов квартали, кўп қаватли 121, 81, 82, 119, 56, 57, 58, 62, 72, 63, 64, 65, 66, 66-«а», 52-54, 61, 77, 88, 123-уйлар.

427-сайлов округи

Маркази: 61-мактаб.

Чегараси: 1-Лисунов квартали, кўп қаватли, 11, 12, 13, 14, 15, 17, 18, 19, 20, 21, 22, 23, 24, 25, 26, 27, 28, 29, 30, 31, 59, 60, 115-уйлар.

428-сайлов округи

Маркази: Чкалов номли авиация ишлаб чиқариш бирлашмасининг 12-ётоқхонаси.

Чегараси: Генерал Петров кўчасидан Илтифот кўчасигача, Илтифот кўчаси бўйлаб болалар боғчасигача, икки болалар боғчаси чегараси ёқалаб, 11, 114, 117, 119-уйлар (мустасно) гача ва 1-Лисунов квартали чегараси бўйлаб шахсий уйлар ҳамда 12-ётоқхонани ҳам қўшган ҳолда Яратувчи кўчасигача, Яратувчи кўчаси бўйлаб Генерал Петров кўчасигача, Генерал Петров кўчаси бўйлаб Илтифот кўчасигача, 2519-автоколонна ётоқхонаси ва 70/1, 70/2, 70/3, 70/4-уйлар ҳамда икки қаватли 11, 12, 24, 25, 15, 26, 27-уйлар ҳам киради.

429-сайлов округи

Маркази: 33-ўрта ҳунар техника билим юрти.

Чегараси: Ғалабанинг 40 йиллиги массиви, кўп қаватли 52, 3, 5, 7, 1, 2, 4, 6, 9, 24, 25, 54, 8, 18, 19, 23, 10, 11,12, 13-уйлар.

430-сайлов округи

Маркази: 152-мактаб.

Чегараси: Ғалабанинг 40 йиллиги массиви, кўп қаватли 26, 27, 28, 30, 39, 36, 32, 35, 34, 37-уйлар.

431-сайлов округи

Маркази: Музика тарбияланувчилари мактаб-интернати.

Чегараси: Ғалабанинг 40 йиллиги массиви, кўп қаватли 1, 2, 3, 4, 5, 6, 7, 8, 9, 10, 11, 12-«а», 12-«б», 12-«в», 13-уйлар.

432-сайлов округи

Маркази: 255-мактаб.

Чегараси: Ғалабанинг 40 йиллиги массиви: кўп қаватли 18, 19, 20, 14, 17, 21, 23, 24, 26, 27, 28-уйлар.

ЧИЛОНЗОР РАЙОНИ БЎЙИЧА

433-сайлов округи

Маркази: Халқ хўжалиги институти.

Чегараси: Ўзбекистон проспектидан Олмазор кўчаси бўйлаб Анҳор каналигача, Анҳор канали ёқалаб Космонавтлар проспектигача, Космонавтлар проспекти бўйлаб Бўржар каналигача, Бўржар канали ёқалаб Ўзбекистон проспектигача, Ўзбекистон проспекти бўйлаб Олмазор кўчасигача.

434-сайлов округи

Маркази: Ўзбекистон педагогика фанлари илмий-тадқиқот институти.

Чегараси: Комсомол майдонидан Анҳор канали бўйлаб Бўржар каналигача, Бўржар канали ёқалаб Б. Хмельницкий кўчасини кесиб ўтиб Космонавтлар проспектигача, Космонавтлар проспекти бўйлаб Анҳор кўпригигача, Анҳор канали ёқалаб Комсомол майдонигача.

435-сайлов округи

Маркази: 90-мактаб.

Чегараси: Ўзбекистон проспектидан Фурқат кўчаси бўйлаб Олмазор кўчасигача, Олмазор кўчаси бўйлаб Ўзбекистон проспектигача, Ўзбекистон проспекти бўйлаб Фурқат кўчасигача.

436-сайлов округи

Маркази: Илмий атеизм уйи.

Чегараси: Халқлар дўстлиги майдонидан Халқлар дўстлиги кўчаси бўйлаб К. Ерматов кўчасигача, К. Ерматов кўчаси бўйлаб Анҳор каналигача, Анҳор канали ёқалаб Фурқат кўчасигача, Фурқат кўчаси бўйлаб Халқлар дўстлиги майдонигача.

437-сайлов округи

Маркази: «Узоргтехстрой».

Чегараси: Байнал Минал кўчасидан Зуҳра кўчасигача, Зуҳра кўчаси бўйлаб Зафар кўчасигача, Зафар кўчаси бўйлаб Завқий кўчасигача, Завқий кўчаси бўйлаб Лампазор кўчасигача, Лампазор кўчаси бўйлаб Муқимий кўчасидаги кўп қаватли уйларни ёқалаб ихтисослашган автомобиль мактаби биносигача, ихтисослашган автомобиль мактабидан Байнал Минал кўчаси бўйлаб Зуҳра кўчасигача.

438-сайлов округи

Маркази: 128-мактаб.

Чегараси: Байнал Минал кўчасидан Зуҳра кўчаси бўйлаб Завқий кўчасигача, Завқий кўчаси бўйлаб Зафар кўчасигача, Зафар кўчаси бўйлаб Лампазор кўчасигача, Лампазор кўчаси бўйлаб «Шарқ тонги» кўчасигача, «Шарқ тонги» кўчасидан Халқлар дўстлиги кўчасини ВодГео институти ёнидан кесиб ўтиб Анҳор каналигача ҳамда Анҳор канали ёқалаб Оқтепа каналигача.

439-сайлов округи

Маркази: Бутуниттифоқ ВодГео илмий-тадқиқот институти.

Чегараси: Муқимий кўчасидаги 1, 1-«а», 2-уйлар, Халқлар дўстлиги кўчасидаги 1, 2, 3, 4-уйлар (метросозлар шаҳарчаси), 11, 11-«а», «И» кварталидаги 1, 2, 3, 4, 5, 6 («Октябрь» уй-жой қуриш кооперативи), «Е» кварталидаги 21, 22, «И» кварталидаги 8, 9, 10, 13, 14-уйлар («Чилонзорчи» уй-жой қуриш кооперативи).

440-сайлов округи

Маркази: Чет тиллар институти.

Чегараси: Муқимий кўчасидан Журнал кўчаси орқали А. Қодирий кўчасигача, А. Қодирий кўчаси бўйлаб Чилонзор кўчасигача, Чилонзор кўчаси бўйлаб Анҳор каналигача, Анҳор канали бўйлаб Муқимий кўчасигача, Муқимий кўчаси бўйлаб Журнал кўчасигача.

441-сайлов округи

Маркази: «Ташгазэнергоремонт».

Чегараси: Муқимий кўчасидан Бўржар канали ёқалаб Оқтепа каналигача, Оқтепа канали ёқалаб Чилонзор кўчасигача, Чилонзор кўчаси бўйлаб А. Қодирий кўчасигача, А. Қодирий кўчаси бўйлаб Журнал кўчасигача, Журнал кўчаси бўйлаб Муқимий кўчасигача, Муқимий кўчаси бўйлаб Бўржар каналигача, Чилонзор кўчаси 1-тупигидаги шахсий уйлар ҳамда кинематографчилар союзининг 2-уйи ҳам киради.

442-сайлов округи

Маркази: Н. Крупская номли Тошкент педагогика билим юрти.

Чегараси: 7-кварталдаги 23, 24, 25, 26, 30 (ётоқхона), Муқимий кўчасидаги 1, 1-«а», 2, 3, 3-«а», 4, 6, 8, 9, 10, 11 (ётоқхона) 13, 14, 15, 16, Оқтепадаги 28-«а», 28-«б», 28-«в», баланд уйлар, Муқимий кўчасидаги 178, 180, Байнал Минал кўчасидаги 55-уйлар.

443-сайлов округи

Маркази: Глиэр номидаги 2-маданият уйи.

Чегараси: Оқтепа каналидан Бобур кўчаси бўйлаб Ғафур Ғулом кўчасигача, Ғафур Ғулом кўчаси бўйлаб Оқтепа каналигача.

444-сайлов округи

Маркази: «Электронремстрой» ремонт-қурилиш-бошқармаси.

Чегараси: 7-кварталдаги 18-«а», 18-«б», 18-«в», 18-«г», 31, 32, 33, 34, 35, 36, 37, 38, 42, 43, 44, 45-«а», (ётоқхона) уйлар.

445-сайлов округи

Маркази: 79-мактаб.

Чегараси: 7-кварталдаги 1, 2, 3, 4, 5, 6, 7, 8, 9, 10, 12, 18, 19, 20, 21, 22, 45-«б» уйлар.

446-сайлов округи

Маркази: 179-мактаб.

Чегараси: 7-кварталдаги 45, 46, 47, 48, 49, 50, 52, 53, 54, 55-уйлар, Ҳ. Турсунқулов кўчаси, Кондратьев кўчаси проездлари билан, ўт ўчириш инспекцияси ётоқхонаси.

447-сайлов округи

Маркази: УзГИИТИИ институти.

Чегараси: 5-кварталдаги 25, 26, 27, 28, 30, 32, 33, 34, 35, 36, 37, 39, 40, 41-уйлар, Б-5 кварталдаги 1, 2, 3-уйлар

448-сайлов округи

Маркази: ГТС транспорт бошқармаси.

Чегараси: 5-кварталдаги 1-«а», 2-«а», 3-«а», 4-«а», 5-«а», 6-«а», 7-«а», 15, 16, 17-уйлар.

449-сайлов округи

Маркази: 173-мактаб.

Чегараси: 5-кварталдаги 1, 4, 5, 6, 7, 8, 10, 11, 12, 13, 14, 19, 21-«а» уйлар.

450-сайлов округи

Маркази: 183-мактаб.

Чегараси: 8-кварталдаги 5-«а», 13, 16, 17, 17-«а», 18, 20, 21 (ётоқхона), 22 (ётоқхона), 23, 24, 25, 26, 27, 28, 29, 30, 31, 32, 33, 34-уйлар.

451-сайлов округи

Маркази: 168-мактаб.

Чегараси: 3-кварталдаги 8, 9, 11, 12, 13, 14, 15, 16, 17, 21, 22 (ётоқхона), «Е» кварталидаги 2, 3, 4, 5, 6, 7, 9, 9-«а» 10, 12-уйлар.

452-сайлов округи

Маркази: 126-мактаб.

Чегараси: 1-кварталдаги 1, 2, 3, 5, 6, (қурувчилар ётоқхонаси), 7, 8, 10, 11 (авиация заводи ётоқхонаси), 12, 13, 14, 15, 16-уйлар.

453-сайлов округи

Маркази: «Зангори экран» ишлаб чиқариш бирлашмаси.

Чегараси: 1-кварталдаги 18, 19, 20, 21, 22, 23, 24, 25, 26, 28, 29, 32, 33, 34, 35, 36, 37, 38, 39, 40-уйлар.

454-сайлов округи

Маркази: Главирсовхозстройнинг «Промстрой» трести.

Чегараси: 1-кварталдаги 40, 41, 43, 44, 46, 47, 48, 49, 50, 51, 54, 55, 57, 58, 59, 60, 61, 62, 63, 64, 65, 66-уйлар.

455-сайлов округи

Маркази: 153-қурилиш трести.

Чегараси: 3-кварталдаги 1, 2, 3, 4, 5, 23 (ётоқхона), 26, 27, 29, 30, 31, 32, 33, 34, 35, 36, 37, 38, 39, 40, 41, 42, 43, 44, 45, 47, 48, 49-уйлар.

456-сайлов округи

Маркази: 162-мактаб.

Чегараси: 4-кварталдаги 1, 2, 3, 4, 5, 6 (ётоқхона), 7, 8, 12, 13, 14, 15, 16, 17, 18-уйлар, 3-кварталдаги 59, 60, 61, 63, 64, 65, 66, 67, 68, 69, 70, 71, 72, 73, 75, 76, 77, 78-уйлар.

457-сайлов округи

Маркази: «Спецэлеватормельстрой» трести.

Чегараси: 2-кварталдаги 1, 2, 3, 4, 7 (ётоқхона), 8, 9, 10, 11, 12, 13, 16, 17, 18, 19, 21, 22, 23, 24, 25, 26, 27, 28-уйлар.

458-сайлов округи

Маркази: 103-мактаб. (Пионерлар уйи).

Чегараси: Волгоград кўчасидаги 1, 2-«а», 2-«б», 3, 4, 5, 2-кварталдаги 44, 45, 46, 47, 49, 50, 52, 54, 55, 56, 57, 58, 59, 60, 61, 62, 63, 64, 65, 66, 67-уйлар.

459-сайлов округи

Маркази: 163-мактаб.

Чегараси: 2-кварталдаги 29, 30, 33, 34, 35, 36, 37, 38, 39, 40, 69, 71, 72, 73, 74, 75, 77, 78, 79, 80, Волгоград кўчасидаги 6, 7, 8, 9, 10-«а», «10-«б», 10-«в», 11, 12-уйлар.

460-сайлов округи

Маркази: 182-мактаб.

Чегараси: 6-кварталдаги 15, 16, 17, 18, 19, 20, 21, 22, 23, 24, 25, 26, 27, 28, 29, 30, 31, 32, 34 (ётоқхона), 35 (ётоқхона)-уйлар ва коттежлар.

461-сайлов округи

Маркази: 178-мактаб.

Чегараси: 6-кварталдаги 2, 3, 4, 5, 6, 8, 9, 10, 11, 51, 52, 53, 54, 57, 58, 60, 63, 64, 65, 67-уйлар.

462-сайлов округи

Маркази: «Средазнефтегазстрой» трести.

Чегараси: 8-кварталдаги 6, 6-«а», 8, 9, 10, 11, 37, 38, 39, 39-«а», 40, 43, 44, 45, 46-уйлар.

463-сайлов округи

Маркази: Социал таминот министрлигининг ишлаб чиқариш-техника бошқармаси.

Чегараси: 8-кварталдаги 1, 2, 3, 4, 5, 6, 47 (ётоқхона), 48, 49, 50, 51, 52, 53, 54, 55, 56-уйлар.

464-сайлов округи

Маркази: Ўзбекистон қўрлар жамиятининг маданият уйи.

Чегараси: 9-кварталдаги 12, 13, 14, 15, 16, 17, 18, 19, 20, 22, 23, 24, 25, 26, 27, 28, 29, 30-уйлар.

465-сайлов округи

Маркази: Ёш физик ва математикларнинг мактаб-интернати.

Чегараси: 9-кварталдаги 32, 34, 35, 36, 38, 40, 40-«а», 41, 42, 43, 44, 45, 46-уйлар.

466-сайлов округи

Маркази: 184-мактаб.

Чегараси: 9-кварталдаги 2, 3, 4, 1-«а», 2-«а», 3-«а», 4-«а», 5, 6, 7, 8, 9, 9-«а» уйлар.

467-сайлов округи

Маркази: «Узгипросельстрой» институти.

Чегараси: «Ц» кварталидаги 1, 2, 3, 4, 6-кварталдаги 37, 38, 39, 40, 41, 42, 43, 44, 45, 46, 47, 48, 49, 50-уйлар.

468-сайлов округи

Маркази: «Гидрорибпроект»нинг Ўрта Осиё бўлими.

Чегараси: 10-кварталдаги 1, 2, 3, 4, 5, 7, 8, 9, 10, 11, 13, 15, 16, 17, 18, 19, 20, 21, 22, 23, 24-уйлар.

469-сайлов округи

Маркази: 181-мактаб.

Чегараси: 10-кварталдаги 28, 29, 30, 30-«а», 31, 32, 33, 34, 35, 36, 37, 38-уйлар.

470-сайлов округи

Маркази: Рус тили чуқур ўрганиладиган республика мактаб-интернати.

Чегараси: «Ц» кварталдаги 1, 5, 6, 7, 8, 9-«а», (ГТС), 9, 10, 11, 12-уйлар ва «Ц» кварталидаги шахсий уйлар.

471-сайлов округи

Маркази: 195-мактаб.

Чегараси: 16-кварталдаги 1, 2, 3, 4, 5, 6, 7, 8, 9, 10, 11, 12, 1-«а», 2-«а», 3-«а» 4-«а», 5-«а», 6-«а» уйлар.

472-сайлов округи

Маркази: 164-мактаб.

Чегараси: 16-кварталдаги 14, 15, 16, 20, 21, 22, 23, 24, 25, 26, 27, 28, 29, Фарҳод кўчасидаги 1-«а», 1-«б», 1-«в» уйлар.

473-сайлов округи

Маркази: 10-кутубхона.

Чегараси: 18-кварталдаги 1, 2, 4, 6, 17, 18, 19, 20, 17-кварталдаги 44, 45, 46 (ётоқхона), 47, 48, 50, 51, 52-уйлар.

474-сайлов округи

Маркази: 10-кутубхона.

Чегараси: 18-кварталдаги 3, 5, 7, 8, 9, 10, 10-«а», 11, 12, 13, 14, 15, 16-уйлар.

475-сайлов округи

Маркази: Ражабий номидаги педагогика музика билим юрти.

Чегараси: 17-кварталдаги 1, 2, 3, 30, 31, 32, 33, 34, 35, 36-уйлар.

476-сайлов округи

Маркази: Ражабой номидаги педагогика музика билим юрти.

Чегараси: 17-кварталдаги 37, 38, 38-«а», 39, 40, 41, 42, 43-уйлар.

477-сайлов округи

Маркази: Маданият уйи.

Чегараси: 19-кварталдаги 12, 13, 16, 19, 20, 21, 22, 23, 24, 24«-а», 25, 26, 27, 28, 32, 33, 34-уйлар.

478-сайлов округи

Маркази: Ўқув-ишлаб чиқариш комбинати.

Чегараси: 19-кварталдаги 1, 2, 3, 4-«а», 5-«а», 7, 8, 17, 29, 30, 31, 51, 52, 53, 57, 58, 59, 60-уйлар.

479-сайлов округи

Маркази: Ихтисослашган автомобиль мактаби.

Чегараси: 19-кварталдаги 9, 10, 42, 42-«а», (ГТС ётоқхонаси), 54, 55, 56, Д—20-«а» кварталидаги 1, 2, 3, 4, 5, 8, 9, 10, 63-уйлар.

480-сайлов округи

Маркази: 101-мактаб.

Чегараси: 19-кварталдаги 1-«а», 2-«а», 3-«а», 4, 6, 11, 14, 15, 30-«а», 39, 39-«а», 40, 41, 46, 47, 48-уйлар.

481-сайлов округи

Маркази: «Средазтехэнерго» ётоқхонаси.

Чегараси: 19-кварталдаги 5, 42, 43, 44, 45, 20-кварталдаги 1, 1-«а», 1-«б», 2-«а», 2, 3, 4, 5, 19/1, 19, 19-«б» уйлар.

482-сайлов округи

Маркази: 217-мактаб.

Чегараси: 20-кварталдаги 6, 7, 7-«а» (ётоқхона), 9, 10, 11, 12, 14 15-уйлар. 1-«а», 2-«а», кооператив уйлар, Ш. Ғуломов маҳалласининг Пограничная кўчасидан 5-Ш. Ғуломов проезди бўйлаб Изза ариғигача, Изза ариғи ёқалаб 2-Ғулистон проездигача, 2-Ғулистон проезди бўйлаб Пограничная кўчасигача, Пограничная кўчаси бўйлаб 5-Ш. Ғуломов проездигача.

483-сайлов округи

Маркази: 8/4 уйдаги ётоқхона.

Чегараси: 20-кварталдаги 8/1, 8/2, 8/3, 8/4, 13, 16, 17, 18, 20, 21, 36, 37, 38, 39, 40, 41, 42, 43, 44, 45-уйлар.

484-сайлов округи

Маркази: радио техникуми.

Чегараси: 20-кварталдаги 22, 23, 24, 25, 26, 27, 28, 29, 30, 31 32, 33, 34, 35, 35-«а», 46-уйлар.

485-сайлов округи

Маркази: 114-мактаб.

Чегараси: Халқлар дўстлиги кўчасидан Чала ариғи ёқалаб Яккабоғ кўчасигача, Яккабоғ кўчаси бўйлаб Қатортол кўчасигача, Қатортол кўчаси бўйлаб Иван Франко кўчасигача, Иван Франко кўчаси бўйлаб Халқлар дўстлиги проспектигача, Халқлар дўстлиги проспекти бўйлаб Чала ариғигача, Мевазор массивидаги шахсий уйлар ҳам киради.

486-сайлов округи

Маркази: «Казмонтажавтоматика».

Чегараси: 20-«а» кварталидаги 11, 12, 13, 14, 15, 16, 17, 18-уйлар, Мевазор массивининг Ал-Хоразмий кўчасидан Чала ариғи ёқалаб Халқлар дўстлиги проспектигача, Халқлар дўстлиги проспекти бўйлаб Анҳор ариғигача, Анҳор ариғи ёқалаб Қатортол кўчасигича, Ал-Хоразмий кўчаси бўйлаб Чала ариғигача қисми.

487-сайлов округи

Маркази: 200-мактаб.

Чегараси: Пограничная кўчасидан Қатортол кўчаси бўйлаб М.Шевердин кўчасигача, М. Шевердин кўчаси бўйлаб А. Тўқай кўчасигача, А. Тўқай кўчаси бўйлаб Изза ариғигача, Изза ариғи ёқалаб 5-Ш. Ғуломов проездигача, 5-Ш. Ғуломов проезди бўйлаб Пограничная кўчасигача, Пограничная кўчаси бўйлаб Қатортол кўчасигача.

488-сайлов округи

Маркази: 50 ўрта ҳунар-техника билим юрти.

Чегараси: ҳалқа йўлдан Ғ. Ғулом кўчаси бўйлаб Изза ариғигача, Изза ариғи ёқалаб 1-Ҳакимхон проездигача, 1-Ҳакимхон проезди бўйлаб М. Шевердин кўчасигача, М. Шевердин кўчаси бўйлаб Қатортол кўчасигача, Қатортол кўчаси бўйлаб Халқлар дўстлиги проспектигача, Халқлар дўстлиги проспекти бўйлаб ҳалқа йўлгача, ҳалқа йўл бўйлаб Ғ. Ғулом кўчасигача.

489-сайлов округи

Маркази: 138-мактаб.

Чегараси: Чилонзор кўчасидан Волгоград кўчаси бўйлаб Халқлар дўстлиги проспектигача, Халқлар дўстлиги проспекти бўйлаб Фарҳод кўчасигача, Фарҳод кўчаси бўйлаб Бердақ кўчасигача, Бердақ кўчаси бўйлаб Бердақ кўчасидаги 121-уйгача, Бердақ кўчасидаги 121-уйдан Нурхон кўчасидаги 174-уйгача, Нурхон кўчасидаги 174-уйдан Нурхон кўчаси бўйлаб Афшона кўчасигача, Афшона кўчаси бўйлаб Смольная кўчасигача, Смольная кўчаси бўйлаб Қирқиз кўчасигача, Қирқиз кўчаси бўйлаб Жапаридзе кўчасигача, Жапаридзе кўчаси бўйлаб Чилонзор кўчасидаги 1-уйгача, Чилонзор кўчасидаги 1-уйдан Волгоград кўчасигача.

490-сайлов округи

Маркази: 2-ўрта ҳунар техника билим юрти.

Чегараси: Бўржар каналидан Волгоград кўчасидаги 12-уйгача, Волгоград кўчасидаги 12-уйдан Нурхон кўчасигача, Нурхон кўчасини Волгоград кўчасидаги 9-уйдан ёнлаб ўтиб Смольная кўчасигача, Смольная кўчаси бўйлаб Афшона кўчасигача, Афшона кўчаси бўйлаб Нурхон кўчасигача, Нурхон кўчаси бўйлаб Ф. Хўжаев кўчасигача, Ф. Хўжаев кўчаси бўйлаб Бўржар каналигача, Бўржар канали ёқалаб Волгоград кўчасидаги 12-уйгача.

491-сайлов округи

Маркази: В. И. Ленин номидаги педагогика билим юрти.

Чегараси: Халқлар дўстлиги проездидан Фарҳод кўчаси бўйлаб Наққошлик кўчасигача, Наққошлик кўчаси бўйлаб К. Исҳоков кўчасигача, К. Исҳоков кўчаси: бўйлаб Халқ

Оила даврасида сўҳбатлар

Турмуш чорраҳаларида

Кўнгил ва армон

— Сизни олиб кетгани келдим. Қани, отланинг! Байрамни бизникида ўтказасиз.

Обиджон остонада туриб онасини кийишга ундарди.

— Йўқ болам, байрамда адангни бир ўзини ташлаб кетаманми? Хафа бўладилар-а.

— Равшан бор, келин бор, чиқиб туришар. Бир кун минг кун бўлмас. Тез бўлинг, кийининг. Энди, адамнням олиб кетардим-у бир ёқда —юролмайдилар, бир ёқда —қулоқлари эшитмайди.

— Ҳай, секинроқ гапир. Бунақа гаплар адангнинг қулоғига ўқдай киради-я,— деди Хайри хола ва чолига яқинлашиб сўради:

— Ўғлингиз мени олиб кетаман деяпти, икки оёғини бир этикка тиқиб олган, борайми?

— Бор, боравер. Неваларинг билан гурунглашиб кел.

Хайри хола даҳлизга чиқиб рўпарасида яшайдиган ўғлининг эшигини жиринглатди. Эшик очган келинига: — Дадангиздан хабар олиб туринг, азонда етиб келаман, — деди.

Кампири кетгач, Шукур отанинг назарида уйи ҳувиллаб қолди. Гўё бу бўшлиқ уни ютаман дерди. Эти жужикди. Кўрпага яхшилаб ўралиб олди. Уйқуси келмади. Қуш ўйқу бўлиб қолган. Кечгача неча бор ухлаб уйғонади. Баъзан сурункасига хаёл суриб кетади. Мана ҳозир ҳам тўнғич ўғли Обиджонни ўйлаб ётибди. «Ўзини ўнглаб олди. Уйли-жойли бўлди. Ундан кўнглим тўқ». Аммо, чол боя ўғлининг гапини элас-элас чала-ярим эшитган эди. У пайт кўнглига олмаганди-ю, энди хўрлиги келди: «Мени ҳам даст кўтариб, бир ўзингиз қолманг, деса, нимайди. Борармидим, бормасдим. Ўзи шу ўғлим беоқибат чиқди. Чўнтак соатимни тузатиб бераман, деганига ҳам неча ой ўтди. Ҳа соат бор, на тил».

Шукур ота ўрнига михланганча шифтга боқиб ўзига ўзи кек қилиб ётаверди. Ниҳоят, зерикди. Эмаклаб бориб телевизорнинг мурватини буради. Экранда байрам концерти кўрсатилаётган эди. Ота муқом билан ўйнаётган раққосага қараб қолди. Сўнг мадори қуригандай, боши айлангандай бўлди.

«Хайри!». «Нега юбордим-а. Бир нарса бўлиб қолмасайдим бу зиндон уйда. Равшан ҳам чиқмади, келин ҳам хабар олмади. Ҳе, сенларга қолган куннинг...»

...Эшик очилиб келини патнисда алланималар кўтариб кирди. Чойнакда чой косада суюқ овқат, норин, сомса, патир...

— Дада, зерикмадингизми ойимласиз. Ўғлингизни ўртоқлари келган, байрам қилиб. Шунинг учун сиздан хабар ололмаяпман. Олинг, иссиғида ичиб олинг.

Ҳе, меҳмонларингни... —чол юзини ўгирди. Йўқ, бундай демоқчи эмас эди. Қандай қилиб оғзидан чиқиб кетдия.

— Бор, кетавер, уларга қара.

— Телевизорни ўчирайми?

— Йўқ! — чолга бу гап ҳам қаттиқ ботди. «Сиз телевизорни нима қиласиз, эшитмасангиз», дегандек таъсир этди.

— Устимдан қулфлаб кет, бор!— келин хижолат аралаш чиқди.

«Ҳа, ота керакмас сенларга ўтмас матоҳ бўлиб қолган. Сенларга ўйин-кулги бўлса...»

Яна ичида катта ўғлини қойий кетди: «Уй оланига бир йил бўлди. Ўз кўнглида —рўзғор боши. Бунда-ай уйимни бориб кўринг, деб бирор марта кўнглим учун айтмайди ҳам. Борармидим, бормасмидим».

Хаёлида борган бўлди. «Ўғлим, зап яхши уй опсизда. Энди пинса пулимдан бир гилам олиб берадиган бўлдим-да сизга, аммо, манави ишни мундоқ қилиш керак», дейди. Келини атрофида гирдикапалак бўлади, неваралари, «бува, бува» деб эркаланишади.

«Э, дунё», деб юборганини билмай қолди. Ёшлик йилларини эслаб кетди. Отаси ғира-шира кўз олдига келди. «Кўп дард чеккан эди отам бечора».

Уруш йиллари эди. Отаси томдан йиқилиб кетиб, тиззаси патос бойлаб ётар, ўгай онаси ҳар куни намакобли сувга артиб, чолнинг дод-войига қарамай, яранги қайта боғларди. Ота шу ётганча қайтиб ўрнидан турмади.

Шукур бир кун ишдан келаётиб, Жўра қассобга рўпара келиб қолди.

— Гўштнинг пулини қачон берасиз? Ҳой, гўшт ейдиган бойвачча,— деди у.

— Қанақа пул? Отамдан бериб юборувдим-ку!

— Отангиз пул берганлари йўқ.

...Жаҳл билан келиб, хўжанинг эшигини очиб: «Дада, гўштнинг пулини бермабмидингиз? Хотиннинг зулми зўр чиқибди-да-а? деб юборган ўшанди.

— Ўғлим, ҳали ҳосилингни еганим йўқ. Ўша пул... Майли, бола-чақанг бор, мендек бўлганингда биларсан. Илоё ёшимга етгин-у...

Эртаси ишдан қайтганда эса ота абадий кўз юмган эди.

Ўша армон юрагида армонлигича қолиб кетди. Яхши кунларда унутилди. Аммо, шу кунларда яна ичэтини тирнаяпти, юрагидаги армонга бошқа армон келиб қўшилди. «Мендаги лоқайдлик тўғничимга ўтибди».

Чол элас-элас уйқуга кетди. Эшик очилди, кимдир киргандай бўлди. Кичик ўғил.

— Ҳм, бобой, зерикмаяпсизми, ҳо, ойимни жўнатиб, телевизордаги жоноларни кўриб ўтирибсизми? —дадасига суйкалиб эркаланди Равшан.— Қани, бир ўпиб кўяй, отахон!

— Бор, бор! Кўп суйкалма! Яна ичиб олдингми?

— Ҳм, бобой, нега ҳеч нарса емадингиз, аразладингизми? Ўзим едириб қўяйми? Ота-бола бир байрамда отамлашайлик, ҳов ёшликдаги довон ошганларингиздан гапириб беринг, — суйкалди ўғил.

— Бор, бачкана бўлма, устимдан қулфлаб чиқиб кетавур. Телевизорниям ўчир, липиллаяпти.

— Ҳозир.

Равшан чолни азот кўтариб, қайта диванга ётқизди. Юз-кўзларини, соқолини силади. Тиззаларини уқалади. «Мен сизминам шу ерда ётаман», деди-да чироқни ўчирди.

Чолнинг нима учундир кўнгли бўшашди. Йиғлагиси келди.

Тонг саҳарда Хайри хола келди.

— Ҳа, чол. Майрамингиз қутлуғ бўлсин!

— Ҳм, ёв қувгандек бунча азонлаб келибсан?

— Сизни шуларга ишонаманми? Мана келинингиз сизга юмшоққина кийимлар бериб юборди, —деди кампир яйраб-яшнаб.

Шу тобда чолнинг кампирига ҳаваси келди. «Болалари билан роса яйрашган».

— Обор, обор, шуларга қараб қопманми? — Чол юзини тескари ўгириб олди.

— Ана, айтмадимми, аданг ўзлари жавоб бериб, ўзлари аразлаб ўтирадилар, — деди Хайри хола.

Қутби НОСИРОВА.

Навбаҳор келди. Очилди гуллар.

Л. Гусейнов фотоэтюди.

Билиб қўйган яхши

Мевали кўчат ўтқазганда

Мевали кўчат ўтқазиладиган майдонларга қўёш нури яққол тушиб турадиган бўлиши керак. Бу ерларга ниҳол ўтқазишдан олдин 25—30 сантиметр чуқурликда юмшатиб чиқилади. Агар ер сатҳида шағал ва қум кўп бўлса майдон юзасига 1—1,5 метр қалинликда соғ тупроқ ва чириган гўнг солинади.

Тайёрланган жойга кўчат асосан март ва апрель ойларида экилади-да, сув равон юрадиган қилиб текислаб чиқилади. Кўчат турларига қараб турли озиқланиш майдонига ўтқазилади. Бунда олма, нок, беҳи, олхўри, шафтоли, гилос, ёнғоқ дарахтларининг оралиғи 8х7 дан 6х4 метргача бўлишига эришиш керак.

Субтропик кўчатлардан анор, анжир, хурмо, смородина, малиналар оралиғи 5х4 дан 2,5х2 метргача бўлгани яхши.

Кўчатлар ўрни аниқланиб олингандан кейин 60х60 сантиметр ҳажмда чуқурчалар ковланади. Чуқурча ковлашда унинг ярмигача бўлган унумли тупроқ бир томонга, таг қисмидаги тупроқ эса иккинчи томонга уюлади.

Кўчатларнинг илдиз қисми жуда ҳам нозик бўлади. Агар у бир оз вақт очиқда қолса тутмай қолади. Шунинг учун келтирилган кўчатларни экишга қадар тупроққа кўмиб қўйилади. Кўчатларни бир жойдан иккинчи жойга ташишда ҳам эҳтиёт бўлиш керак. Уларнинг илдиз қисми шамоллатилса, кўчатлар бир кун давомида оқова сувга солиб қўйилади. Экишдан олдин илдиз системаси кўздан кечирилиб, чириган, заҳа бўлган қисми қайчида кесиб ташланади ва бошқа илдизларнинг уч қисми кесилади. Шундан сўнг илдиз қисми гўнг ва тупроқли аталасимон суюқликка ботириб олинади. Кавлаб қўйилган чуқурча тагига ер устидан чиққан тупроқдан озгина солиниб кўчат жойлаштирилади. Бунда чуқурчага 1—2 челак сув қуйиб сўнг кўчат ўтқазилади. Унинг илдиз атрофида ҳаво қолмаслиги учун тупроқ оёқ учи билан босиб зичланади. Кўчат экилаётган пайтда пайванд қисми— илдиз бўғизи ер сатҳидан 5—6 сантиметр юқорида бўлишига эътибор бериш керак.

Сергей ДУДЧЕНКО,
Михаил МИРОВИЧ.

2х2=?

Юмор

2000 йил. Математика дарси. Муаллим ўқувчиларга жиддий кўз тикади.

— Бугун биз арифметик амал— кўпайтиришни такрорлаймиз. Калькуляторларни ишлашга ҳозирланг.

Ўқитувчи доска ёнига бориб, катта рақамлар билан чиройли қилиб: «2х2-?» деб ёзади.

— Мисолни ечишга беш минут вақт бераман. Ким биринчи бўлиб тамомласа қўл кўтарсин.

Бир минут ҳам ўтмай, ўқувчиларнинг бири ўтирган жойида қичқиради;

— Мен ечдим, Марь Степанна, мен!

— Қани, Журавлёв, қанча бўларкан?

— Тўрт! — дейди у ғурур билан.

Яна ким ечди?

— Менда—ўн етти... — қўл кўтаради қатта бантик боғлаган қиз паришонлик билан.

— Менимча — бироз кўп.

Ўқитувчи столдан чўтни олади. — Журавлёв тўғри ечипти, — баланд овозда эълон қилади у. Жавоби — тўрт бўлиши керак! Яна ким ечди?

Болалар ўқитувчига жимгина тикилишади.

— Демак, ҳеч ким... Унда яна битта мисолни ечиб кўрамиз.

У доска ёнига бориб, 3х3≈? деб ёзади.

— Ечиш учун — ўн минут.

Деярли шу заҳотиёқ Журавлёв қўл кўтаради.

—Тўққиз, Марь Степанна!

Ўқитувчи чўтга энгашади-

— Тўғри! Баракалла, Журавлёв!

— Менда ўн етти чиқди, дейди Танечка қўрқа-писа.

— Сендаги қанақа калькулятор? Қаердан олдинг уни?

— Дадам Японнядан олиб келганлар...

— Яна кимга Японнядан олиб келишган?

Журавлёвдан бўлак ҳамма қўлини юқори кўтаради.

— Японнянинг калькуляторидан фойдаланманглар, деб неча марта айтдим... Петя, сен қаердан олгансан калькуляторни?

— Меники, Марь Степанна, ўзимизнинг магазинимиздан...

Русчадан Д. ЖАЛОЛОВ таржимаси.

Акс садо

«БЕПАРВО БЎЛМАЙЛИК»

«ТОШКЕНТ ОҚШОМИ», 1987 ЙИЛ 30 ЯНВАРЬ

Газетхонлар мазкур мақола юзасидан йўллаётган хатларида ўзларининг фикр ва мулоҳазаларини билдиришмоқда. Улар барча соҳаларда хизмат кўрсатаётганлар сабабкор эмас, балки «ўзимиз ҳам айбдормиз» дейишмоқда. Агар ҳаммамиз бир ёқадан бош чиқариб, андиша ва бепарволикни йўқотиб, ўз ҳаққуқуқимизни талаб қилсак, «Нега; сотувчи қайтимимизни бермас экан» демоқдалар. Биз талаб қилиб олмаган бир тийиндан сотувчида минг тийин йиғилади. Агар у ўн тийиндан уриб қолса-чи? Бирнки минтта, мингнки туманга дегандай, бундайлар қинғирлиги ва бировлар ҳақига хиёнати туфайли бойиб кетадилар. Эртага сизу бизни менсимай, кибрланишади. Демак, бизнинг ўзимиз бундайларга имконият яратиб берамиз. Редакцияга газетхонлардан келаётган хатлар оқими шуни кўрсатдики, ҳар бир соҳада намунали хизмат кўрсатиш учун ўзимиз ҳам муносиб ҳисса қўшишимиз керак экан. Буни редакцияга келган хатлар ҳам яққол ифода этиб турибди.

Кўз олдимда узоқ ўтмиш гавдаланади. Чунончи: жафокаш халқимиз Улуғ Ватан уруши давом этаётган суронли йилларда ўзларининг охирги бурда нонларидан оз-оздан орттириб, талқон қилиб, икки кийимнинг бирини қўшиб, маҳалла комитетига ёки район ижроия комитетига олиб бориб, фронтга юборишини илтимос қиларди. Фақат улар бир-бирларига ёрдам қилишни олий инсоний бурч, деб билардилар... Ҳозирги фаровон, мўл-кўлчилик, дориломон замонда ҳеч кимда, ҳеч қандай зарурат бўлмасада, савдо тармоқларида ёки пул-мўл муомаласи қўлланиладиган барча юмушларда кишиларнинг ҳақига хиёнат қилувчилар оз эмас. Уларга кундалик турмушимизда тез-тез дуч келамиз. Бироқ, юлғувчиларга ким шароит яратиб беради? Бир тийин, ўн тийинни ким назарга илмайди? Ана шу ҳотамтойлар кўр-кўрона меҳнатсиз даромад топувчиларга йўл очиб беради. Улар кимлар? — Ўзимиз. Мана бир мисол: яқинда «Ташхлебторг»нинг 40-магазинидан 14—15 ёшлар чамасидаги бир ўспирин нон харид қилди. Сотувчи аёл 5 тийин қайтим узатди. Бола эса «Керак эмас»,— деди. «Ўғлим, қайтимини олгин» десам, «Ишингиз бўлмасин» деб чиқиб кетди. Айтингчи, бу ерда сотувчи айбдорми ёки ҳаридор?...

Биз ота-оналар фарзандларимизнинг фаравон турмуш кечириши учун меҳнат қиламиз. Болаларимиз эса ҳотамтойлик қилади. Демак, биз ўз навбатида фарзандларимизга ҳалол меҳнат эвазига топилган пулнинг қадр-қийматини яхши тушунтиримайміз. Аслида пул муомаласи ҳам тарбияга киради. Биз бепарво бўлмасдан, бу борада онлада, мактабда тарбияни яхши йўлга қўйишимиз даркор.

Ҳ. МАВЛОНОВ,
меҳнат ветерани, Ўзбекистон ССР халқ маорифи аълочиси.

⊙

«Бепарво бўлмайлик» мақоласидаги фикрлар дилимдаги гаплар десам бўлади. Бепарволикка йўл қўймаслигимиз керак. Мен касбимга кўра илмий-тадқиқот институтида ишлайман. Илмий иш қилишдан кўра, мажлисларда кўпроқ вақтим ўтади. Буни чеклашнинг имконияти йўқми? Олтиндан ҳам қиммат бўлган вақтимиз эса бесамара ўтмаган бўларди. Бунинг учун ўзимиз ҳам бепарво бўлмаслигимиз керак.

И. РУЗИЕВ,
«Қорасув—3» массиви.

⊙

Мақолада кўрсатилгандек, сотувчидан қайтимни талаб қилмаймиз. Айб кимда? Албатта ўзимизда. Бизнинг бепарволигимиз, андишага боришимиз сотувчилар чўнтагини қаппайтиради. Тийинлардан сўмлар йиғиб, данғиллама уйлару енгил автомашиналар минган сотувчилар йўқ эмас. Ишчи бир ойда ҳалол ишлаб 300— 400 сўм топиши мумкин. Аммо данғиллама уй-жой, енгил автомашина ҳам сотиб олишга қийналади-ку! Савдо ходимига эса бу ҳеч гап эмас. Гап шундаки, бизнинг бепарволигимиз боис ташлаб кетган 5—10 тийинимиз меҳнатсиз даромадга имкон яратиб беради.

Мен яқинда Сароиосиёга учмоқчи бўлдим. Билет қайда дейсиз? Роса қийналдим. Қайси кассага бормайин «Билет йўқ» дейишади. Аэропортдан оларман, дегандим. Қаерда дейсиз? Бу ер «чайқов бозори»нинг ўзи экан. Очиқчасига, кўтара савдо шу ерда. Ҳайрон қоласан киши. У-бу деб навбатчи бошлиққа мурожаат этсанг, тамом, у ўзини эшитмасликка олади. Бу нимаси? Нега, биз бепарволик қиламиз?

Ўзимизнинг ишимизни бажарамизу бошқа шошиб, зориқиб турган киши билан ишимиз йўқ. Агар биргалашиб, ноҳалоллик билан билет олганни, билет сотганни ушлаб берсак, иккинчи бу ҳол такрорланмайди. Агар инсоф, диёнат билан иш тутсак бундай иллатлар барҳам топади, албатта.

С. САМАДОВ,
меҳнат ветерани.

⊙

«Бепарво бўлмайлик» мақоласини ўқиб чиқиб, ёзда бўлиб ўтган бир воқеа эсимга тушди. Маҳалламиздаги магазиндан 19 тийиндан беш килограмм помидор харид қилдим. Бир сўм бергандим 5 тийин қайтариб берди. Бир неча кундан кейин шу магазиндан яна шунча миқдорда помидор олдим ва бир сўм бердим. Қайтимини сотувчи бермаганди, сўрадим. «Оғир қилиб бердим», деди у. Дарҳол контроль тарозига қўйдим. Роппа-роса 5 килограмм экан. Бу ҳолни кўриб турган магазин мудири «Бундай қонунчига қайтимни бер, булар 1—2 тийин ҳисобига бой бўлади», — деди. Кўрдингизми? Ҳақимни тўғри талаб қилганимдан магазинчи ранжиди. Демак ҳақимизни талаб қилмасдан сотувчиларни «мазахўрак»ликка ўргатиб қўйганмиз. Модомики бепарво, бефарқ бўлмаганимизда, бундай ҳол бўлмасди. Демак унга барҳам бериш ҳам ўзимизга боғлиқ.

У. КАРИМОВ,
«Назарбек» посёлкаси.

⊙

Умуман олганда, мақолада ҳақ гаплар айтилган. Мен унда кўрсатилган барча фикрларга тўла қўшиламан. Шу ўринда бир нарсани айтиб ўтишни лозим топдим. Қайтимни талаб қилиб олиш бизнинг бурчимиз. Шундай қилишимиз керак. Аммо биз бир нарсада кўпроқ янглишамиз. У ҳам бўлса, ўз-ўзимизни назорат қилмаймиз. Транспортга чиқиб, билет олмасдан тушиб кетаётган кишини кўриб туриб, танбеҳ бермаймиз. Нега, шундай?.. Яқинда Инқилоб хиёбонидаги 1-экспресс автобусга чиқдим. Бир йўловчи шофёрга 10 тийин узатиб, «Билет керак эмас» деб, тушиб кетмоқчи бўлди. Мен «Билетни олинг» десам, «Сизнинг нима ишингиз бор» деб жеркиб берди. Кўрдингизми, биз ўзимиз текин даромадга йўл очиб берямиз.

Н. НОСИРОВ,
актёр.

«Бепарво бўлмайлик» мақоласи юзасидан муноза-рада иштирок этган ва ўзларининг фикр-мулоҳазалари билан қатнашган оқшомхонларга редакция ташаккур билдиради.

Шарқ донишмандлари бисотидан

Ким сув чиқармоқ илмидан ўлди маҳрум,
Билгил, ташналик хавфиға они маҳкум.

Жалолиддин РУМИЙ

⊙

Ҳар кишики қилғай яхшилик ёки кори бад,
Неки қилғон ўлса топқай ул ушбуни албат.

Абу Али ибн СИНО.

⊙

Ҳеч киши ўлмас жаҳонга пойдор,
Яхши ном қолғай кишидан ёдгор.

ФИРДАВСИЙ.

⊙

Ғам чекма нон бўлиб, емоққа дандон бўлмаса,
Чин мусибат будир: дандон бўлиб, нон бўлмаса.

САЪДИЙ.

Бувижон, ўқиб беринг

Сартарошхонада

Елкалари қисиниб,
Ўз-ўзига писиниб
секингина деди Тош:
— Дада айтинг,
Сартарош —
Оғритмасин бошимни,
Олмасин ҳеч қошимни.
Сочимни сал ғиз-ғизлаб,
Қўяқолсин текислаб.

Масхарабоз

Ҳайвонот боғидаги
Маймун сакраб ўйнайди.
Бировларни калака
Қилишини ҳеч қўймайди.
Қулки бўлар ҳаммага
Қилмишига яраша.
Ўзгаларни мазахлаб,
Ўзи бўлар томоша.

Қамбар ЎТАЕВ.

Боланинг тили ширин

—Иззат, катта бўлганингда машинагини Аслиддинга берасан-а?

— Йўқ, мен катта бўлмайман.

* * *

— Ойи, мени яхши кўрасизми?

— Одобли бола бўлсанг яхши кўраман, ёмон бола бўлсанг яхши кўрмайман.

— Мен-чи, ойи сизни доим яхши кўраман.

Ғиёс КОМИЛОВ.

— «Соғ танда соғлом ақл».

В. Бектуганов фотоси.

Китоб жавонингизга

Нашриёт туҳфаси

Прогрессив турк ёзувчиси Нозим Ҳикматнинг «Қон гапирмас» романида иккинчи жаҳон урушининг уқубатли йилларида Туркияда содир бўлган воқеалар тасвирланган. Уруш майда ҳунармандларни хонавайрон қилса-да, аммо бадавлат одамларнинг бойлиги янада ошаборди. Катта-катта заводлар қурила бошланди. Натижада Туркиянинг ишчилар синфи шаклланди. Коммунистлар партияси эса бу синфнинг авангардига айланди.

Нозим Ҳикмат роман саҳифаларида катта меҳр билан ишчилар, оддий меҳнаткашлар образини яратган, ишчи касабаларининг ҳаётий кўринишларини очиб берган. Мазкур китобга аднбинг теран фалсафий характердаги эртаклари ҳам киритилган. Романни турк тилидан Сиддиқа Аъзамова, «Ошиқ булут» бўлимдан иборат эртакларини эса русчадан Гавҳар Норматова таржима қилишган.

* * *

Юксак гуманизм руҳи билан суғорилган, ревл ҳаёт, тарихий воқеалар замирига асосланиб яратилган «Манас»нинг биринчи китоби устоз Миртемир томонидан таржима қилиниб, 1964 йилда нашр этилган эди. Мазкур китобнинг иккинчи қисми Султон Акбарий таржимасида, яқинда босмадан чиқди.

Китоб Ленин мукофоти лауреати, Социалистик Меҳнат Қаҳрамони, академик Чингиз Айтматовнинг «Буюк чўққи» сарлавҳали сўзбошиси билан бошланади.

* * *

Ўзбекистон ССР Фанлар академиясининг А. С. Пушкин номидаги тил ва адабиёт институти Ҳамид Сулаймонов номидаги қўлёзмалар институти ходимлари билан ҳамкорликда чоп этилган «Сенсан севарим» китоби, «Ўзбек адабиёти бўстони» туркумидан навбатдаги асар бўлиб, бу маҳмуа классик шоир Лутфийнинг адабий меросидан сараланиб олинган ғазаллар, рубойилар, қитъалар, туюқлар ва «Гул ва Наврўз» достонидан ташкил топган.

Мазкур асарлар Ғафур Ғулом номидаги Адабиёт ва санъат нашриётида босилган.

С. АЗИМОВА,
Ғафур Ғулом номидаги Адабиёт ва санъат нашриёти ходими.

Редактор
Т. М. ҚОЗОҚБОЕВ.

ТОШКЕНТ ОҚШОМИ
Газета ўзбек ва рус тилларида мустақил бир йилда 300 марта чиқади.

«Тошкент оқшоми»
(«Вечерний Ташкент») — орган Ташкентского горкома Компартии Узбекистана и городского Совета народных депутатов.
Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитети нашриётининг Меҳнат Қизил Байроқ орденли босмахонаси. Тошкент шаҳри.

РЕДАКЦИЯ АДРЕСИ:
700083, Тошкент, Ленинград кўчаси, 32.

ТЕЛЕФОНЛАР: бўлимлар: партия турмуши ва пропаганда — 32-54-19; совет қурилиши ва халқ контроли — 32-54-34; саноат, транспорт ва алоқа — 33-08.74, 32-57-84; шаҳар хўжалиги, савдо ва маиший хизмат — 32-55-39, капитал қурилиш — 32-58.85; фан ва ўқув юртлари — 32-53.10; физкультура ва спорт, ҳарбий-ватанпарварлик тарбияси — 32-55.32; маданият — 32-53-83; ахборот — 33-28-95; хатлар ва оммавий ишлар —33.29-70; иллюстрация — 32-55-37; жамоатчилик редакцияси — 33.99-42, 32-53-6; «Ташкентская неделя» рекламалар иловаси — 32-56.84; эълонлар — 33-81-42.

Р—12673. Тиражи— 75.131. Б. 2090. Индекс 64690. 1 2 3 4 5 6 7 8 9 10.